Kuch — adolatda

# Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan ☼ 2001 yil 26 oktyabr ☼ juma ☼ № 42 (329) ☼ sotuvda erkin narxda

**● Мен фақатгина бугун эмас, олдиндан ҳам – давлат раҳбари бўлганимдан бери ҳамюртларимизга қарата, эй, ватандошларим, огоҳ бўлинглар, терроризм хатари, бу қора куч бошимизда бало-қазо бўлиб, ўзининг манфур ниятларига етиш учун қурол ва куч тўплаб, ханжарини ишга солишга ҳар лаҳзада шай турибди, деб даъват этиб келганимни, бу даҳшатли куч остонамиз олдида турганини бугун ҳам такрор-такрор айтишни ўз бурчим деб биламан.**

**Ислом КАРИМОВ.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 октябрь куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари Кензо Ошимани қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари меҳмон билан Ўзбекистон заминида учрашиб турганидан мамнуният билдириб, Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишдек хайрли миссиясида унга муваффақият тилади.

– Биз террорга қарши бошланган халқаро кампанияни қўллаб-қувватлаган ҳолда, айни пайтда Афғонистонда гуманитар ҳалокат юзага келаётганини ҳам яхши англаймиз, – деди Ислом Каримов. – Шу важдан БМТнинг оғир аҳволда қолган афғон халқига ёрдам кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳам тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Президентимиз Ўзбекистон билан БМТ уруш туфайли неча йиллардан бери жабр чекаётган Афғонистон аҳолисига мурувват кўрсатиш борасида ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплаганини, бу эса ташкилот кўзлаётган инсонпарварлик миссияларини муваффақиятли амалга оширишда қўл келишини таъкидлади.

Кензо Ошима Афғонистонга энг кўп инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган давлатлардан бири – Япония фуқаросидир. Учрашувда Президент Ислом Каримов бу ҳолга алоҳида эътибор қаратди.

– Сизни Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантираётган Япония вакили сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Меҳмон самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Ўз миссиясининг муваффақиятли кечишида Ўзбекистон ҳукуматининг ҳамжиҳатлиги алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Афғонистонда юзага келаётган гуманитар ҳалокатнинг таъсирини имкон қадар камайтириш, минтақада тинчлик-осойишталик ва ижтимоий барқарорликни сақлаш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

***Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов БМТ Бош котибининг ўринбосари Кензо Ошима раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.***

– Ўзбекистон ҳукумати Афғонистон муаммосининг ҳал этилишида ҳамда афғон қочқинларига ёрдам беришда БМТ томонидан амалга оширилаётган тадбирларни тўла қўллаб-қувватлайди, – деди вазир учрашувда. – Бундай хайрли ва муҳим ишларда Ўзбекистон БМТ билан бундан кейин ҳам кенг қамровли ҳамкорлик қилади.

– Ўзбекистон ҳукуматининг Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами етказиб бериш борасидаги саъй-ҳаракатларини БМТ раҳбарияти юксак баҳолайди, – деди Кензо Ошима. – Ишончимиз комилки, ўзаро ҳамкорлик келгусида ҳам фаол давом этади.

Сир эмаски, Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар туфайли сўнгги пайтда минтақада қочқинлар муаммоси кескинлашди. Уларга ёрдам кўрсатиш борасида БМТнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга молик. Ўзаро мулоқот чоғида афғон қочқинларига ёрдам кўрсатиш ва бунда Ўзбекистоннинг иштироки, шунингдек, халқаро майдонда юзага келган сиёсий вазият, хусусан Афғонистондаги беқарорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

**(ЎзА).**

*Ўзбек дипломатияси изчил ва қатъиятли йўлда*

# ЭЪТИРОФ

***Бир қувончли ҳиссиёт менга ҳеч ҳам тинчлик бермайди. Бугун Ўзбекистондек ёш давлат дунё ташқи сиёсатида етакчи роль ўйнамоқда. Айниқса, Марказий Осиёдаги муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Бу минтақада хавфсизлик ҳамда ҳамкорлик масаласи бизнинг мамлакатимизнинг иштирокисиз ҳал қилинмайди. Шу боисдан ҳам турли даражадаги ва доирадаги учрашувлар, мулоқотлар, музокаралар ҳамда ахборот алмашишлардан ташқари телефонда фикр алмашувлар ҳам бўлиб турибди. Кейинги пайтда Америка Қўшма Штатлари ҳамда Россия Президентлари, Буюк Британия бош вазири ғоятда муҳим халқаро масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти билан телефонда мулоқот қилиб фикрлашиб олдилар. Бу нафақат давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат белгиси, бу ёш давлатимизнинг халқаро миқёсда ошиб бораётган обрў-эътиборининг ифодасидир, бу Ўзбекистон ташқи сиёсатда изчиллик ва қатъиятлик кўрсатаётганлигининг самарасидир, бу ўзбек дипломатиясининг ютуғидир.***

Буларнинг ҳаммасини кўриб-билиб туриб фахрланиб кетасан киши беихтиёр ва шу кунларга етказган Оллоҳга шукурлар айтасан. Тўғриси, кеча ким эдигу бугун киммиз? Мен шундай пайтда мустамлака давримизни кўп эслайман. Ўша пайтда АҚШ Президентининг бир марта собиқ СССР раҳбарига телефон қилганининг ўзи шов-шувга сабаб бўлган эди. Ўшанда ҳам маслаҳатлашиш маъносида эмас, эътирозларни баён қилиш маъносида телефон қилинган эди. Ҳар ҳолда бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида катта куч ва салоҳиятга эга бўлган ҳамда дунё сиёсатининг йўналишини белгилайдиган давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида мустаҳкам алоқалар ўрнатганлигининг ўзи катта гап. Бунга ҳавас қиладиганлар ҳам, ҳасад қиладиганлар ҳам бор. Ана шундай пайтда ўтган қисқа даврда, яъни атиги ўн-ўн бир йил ичида босиб ўтилган шонли йўлни, давлатимиз раҳбарининг қатъиятли саъй-ҳаракатларини эслаб ўтмаслик мумкин эмас. Президент Ислом Каримов журналистлар билан ўтказган бир суҳбатларида «биз кенг дунёга даллоллар ва воситачиларсиз чиқдик» деган эди. Бугун шунинг амалдаги натижасини кўриб турибмиз.

Бундан ўн йил олдин бизни бутунлай бошқа саволлар ва ташвишлар қизиқтирар эди. Яъни, Ўзбекистон ташқи сиёсатда қандай йўл тутар экан? Унинг жаҳон ҳамжамиятидаги тутадиган ўрни ҳамда халқаро масалаларни ҳал қилишдаги иштироки қандай бўлар экан? Марказий Осиёнинг, шунингдек бутун дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиб турган турли низоларни бартараф этишда Ўзбекистон қандай таклифлар ҳамда ташаббуслар билан чиқиши мумкин? Умуман, ўзбек дипломатияси ўз қобиғига ўралиб қоладими ёки халқаро майдонда мустақил, очиқ, дадил ҳаракат қиладими?

Албатта, ўша пайтда бу саволлар кўпчилигимизни қийнаган бўлса, бугунги кунга келиб уларга аниқ жавоблар беришимиз учун асосли имкониятлар яратилди. Аввало шуни айтиш кераккки, ёш ва ҳали анча тажрибасиз бўлишига қарамасдан ўзбек дипломатияси дастлабки кунларданоқ кенг қамровли изчил фаолият юритди. Бу фаолиятнинг босқичлари тўғрисида, шунингдек юқоридаги саволларга жавоб тариқасида хронологик маълумотларни қалаштириб ташлашнинг кераги йўқ. Ўтган даврни кенг мушоҳада қилиш, ташқи сиёсатнинг йўналишини кузатиб бориш ва амалий натижаларини илғаб олиш, дунё сиёсати таниқли арбобларининг бизга нисбатан фикрини ўрганиш, жаҳон оммавий ахборот воситаларида босилаётган шарҳлар билан мулоҳазали тарзда чуқурроқ танишиш ва ниҳоят, ана шулар асосида фикрни чарҳлаб аниқ хулоса чиқариш натижасидагина кенг дунёга даллоллар ва воситачиларсиз чиққанлигимизнинг боисини, мазмун-моҳиятини англаб етамиз.

Келинг, яхшиси, дастлабки даврларни эслайлик. Мустақиллик эълон қилинган кундан то Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонни тан олгунгача бўлган давр Ватанимиз, халқимиз, истиқлолимиз учун изтиробли кутиш қанчалик қийин бўлган бўлса, энди шаклланиб келаётган ўзбек дипломатияси учун ҳам шунчалик оғир синов даври бўлди. Ўзбекистонни салоҳиятли давлатлар жаҳон ҳамжамияти қачон тан олар экан, деган оғриқли дард биз оддий фуқароларга кун-у тун тинчлик бермаётган бир пайтда Юртбошининг ички изтиробларию халқаро майдондаги тинимсиз саъй-ҳаракатларини бир тасаввур қилиб кўринг-а!..

Бизга хайрихоҳлик ёки қизиқиш билдириб, қайси йўлдан боришимиз ёки қайси томонга «оғишимиз» мумкинлигини синаш, умуман, тетапоя бўлиб келаётган дипломатиямизнинг нимага қодирлигини билиш мақсадида турли даражадаги делегациялар, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, дипломатлар ташриф буюра бошлашди. Уларнинг аксарияти олий даражада қабул қилинди ва Президент билан мулоқотдан қониқиш ҳосил қилишди. Шубҳасиз, бундай мулоқотлар дипломатия малҳамидир.

Маълумки, 1991 йилнинг ноябрь ойи бизни тан олишларини кутиб изтироб чекаётган пайтимиз эди. Ўзбекистон илгари собиқ Иттифоқ таркибига кирган, эндиликда ўзларини мустақил деб эълон қилган мамлакатлар билан давлатлараро муносабатлар асослари тўғрисида музокара олиб борарди. Ана шундай мураккаб бир вазиятда Ислом Каримов ўзининг қатъий қарорини яна бир бор очиқ ва кескин баён қилди. «Энг салмоқли ва энг буюк воқеа, албатта, мустақиллик учун курашимиздир, – деди Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида сўзлаган нутқида. – Мен очиқ айтаман, бу масалани сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этиш ҳақидаги Фармонга имзо чекканимда бутун масъулият ва жавобгарликни ҳис этганман, бу нарсага жонимни тикканман. Бу улуғ мақсадга эришиш учун не-не машаққатли курашлардан, синовлардан ўтишни ҳам яхши тасаввур қилганман. Аммо яна бир марта такрорлаб айтаман – бу йўлдан қайтиш, чекиниш йўқ».

**(Давоми 2-бетда).**



**Тинч ва осойишта меҳнат билан Ватанимиз қудратини оширишдан ҳам муқаддас иш йўқ. Бугунги кунда тобора ривожланиб, гуллаб-яшнаб бораётган жонажон Ўзбекистонимизнинг эришаётган ютуқларида ҳам ана шундай шукуҳли меҳнатнинг шавқини туямиз.**

**Андижон тумани ҳокимининг қарори билан аҳоли зич жойлашган Ҳарабек қишлоғида бир неча йилдан бери ишламай ётган тикувчилик фабрикаси маҳаллий тадбиркор Саидаҳрор Икромовга берилгач, бу ерда ишлар жонланиб кетди. «Имкон – И» корхонаси номи билан фаолият кўрсатаётган мазкур меҳнат жамоасида бир йилда 800 тонна тайёр ип-калава ва 100 миллион сўмликдан ортиқ трикотаж-тикувчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда.**

**СУРАТДА: корхона ип йигирувчиси Дилфуза Соатқулова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ТАЛОН-ТАРОЖНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

***Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар натижасида Беруний туманида пахтани топширмасдан сақлаш, ноқонуний равишда уйларига ёғ чиқарадиган ускуналарни ўрнатиш ҳоллари аниқланди. Бу ҳақда республика Ички ишлар вазирлиги матбуот марказининг катта инспектори, майор Жуманиёз Ўтениёзов «Туркистон-пресс» мухбирига шундай деди:***

– Беруний туманидаги Махтумқули жамоа хўжалигида жорий йилнинг 25 сентябр куни 5900 килограмм пахта қабул пунктига топширилмасдан турганлиги аниқланди. Хўжалик пудратчилари Рўза Сагриева ва Мақсад Шарлиев терилган икки кунлик пахтани топширмаган. Беруний туманидаги Навоий жамоа хўжалигида яшовчи Ҳасан Войисовнинг уйидан ноқонуний қурилган чигитни қайта ишлайдиган ускуна, жувоз, 300 килограмм чигит, 40 килограмм пахта ёғи, 150 килограмм кунжара топилди. шунингдек, тумандаги «Қиятобод» жамоа хўжалигида яшовчи Рўзим Казаковнинг уйида иккита «Олтинсой» хўжалигида яшовчи Сотимбой Казаковнинг уйида 6 та жувоз қурилганлиги аниқланди. Хўжайли туманида яшовчи М. Яхшимуродовнинг уйида бир дона жувоз, 500 килограмм чигит, 70 килограмм пахта ёғи борлиги аниқланди.

Республика Ички ишлар вазирлиги ходимлари томонидан олиб борилган тадбирлар натижасида пахтани ўғирлаш ва қайта ишлаш бўйича 29 та ҳодиса аниқланиб, айбдор фуқаролар жаримага тортилди.

*Терроризмга шафқат йўқ!*

## ҲУШЁРЛИК – ҲАЁТ МЕЗОНИ

***Бугун Афғонистондаги террорчи тўдаларнинг аҳволи қопқонга тушган газандани эслатади. Еру осмондан уларга қақшатқич зарбалар берилмоқда. Террор уяси қурол-аслаҳалари, ҳарбий истеҳкомлари билан биргаликда яксон этилмоқда. Адолат жаҳолатни ер юзидан супуриб ташлаш учун муштини қаттиқ туган.***

Террорчиларга ва уларни қўллаб-қувватлаб турган толибонларга энди сира муроса бўлмаслиги аниқ. Бутун дунёда тинчликни, осойишталикни сақлаб қолиш учун ҳам газандани ўз уйида янчиб ташлаш лозим.

Афғонистондаги воқеаларни диққат билан кузатар эканмиз, аввало митти сайёрамиз тақдири учун жавобгарлик ҳисси кучайганлигини, соғлом кучлар бу офатга қарши кураш учун бир оила бўлиб бирлашаётганлигини сезамиз. Чунки XXI асрнинг энг катта хавфи – халқаро терроризм инсоният цивилизациясига таҳдид солмоқда. Бу хавф бизнинг ҳудудимизда эмас деб қўл қовуштириб ўтириш ярамайди.

Шу муносабат билан мамлакатимиз Президентининг Баёноти, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатида билдирган фикрларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Айниқса Юртбошимиз таъкидлаганларидек, битта ҳақиқат барчамизга аён бўлиши керак: ҳушёрлик ва огоҳ бўлиб яшаш – бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим.

Маҳалламизда 3 мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. Биз тинчликни, осойишталикни қадрлаш деганда, аввало ўз хонадонимиздаги аҳилликни, ҳамжиҳатликни тушунамиз. Маҳалла оқсоқоллари зиёлиларининг бу борада зарур тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бораётганлиги туфайли ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиш сингари салбий иллатларга қарши муросасизлик муҳитини вужудга келтирганмиз. Ёшларни ватанга меҳру муҳаббат руҳида тарбиялаш аввало уларни ўз уйини, маҳалласини қадрлашидан бошланишини ҳар қадамда тушунтираяпмиз.

Шу билан биргаликда маҳалла посбонлари ҳам кечаю-кундуз сергак туриб, ўз бурчларини сидқидил уддаламоқдалар. Маҳаллага узоқ-яқиндан кимлар келиб-кетаяпти, кимнинг фарзанди нима иш билан машғул бўляпти – ҳаммаси назоратда. Қисқаси, ҳушёрлик, огоҳлик ҳар бир фуқаронинг ҳаёт мезонига айланган. Демак, биз ўз уйимизни ўзимиз асрай оламиз. Террорчиларнинг ҳар хил дўқ-пўписалари, фитналаридан қўрқмаймиз.

**Турсун РИВОЖОВ,**
**Тойлоқ туманидаги Маданият маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

## ОҚНИ ОҚ, ҚОРАНИ ҚОРА ДЕЙМИЗ

***Ўша машъум кун қонли сешанба даҳшатлари ҳамон кўз ўнгимда. Террорчилар минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлдилар. Қанча-қанча қон тўкилди. Бу мудҳиш кўргулик Американи, аҳли жаҳонни оёққа турғазди. Бутун тинчликсевар кучлар жипслашиб террорчиларга уларнинг ҳомийларига қақшатқич зарба бериш тарафдорига айланди.***

Мана бир неча кундирки, ўзининг манфур ғоялари билан дунёга устун бўлишни, қора қилмишлари билан кишилар юрагига ғулғула солиш хаёлида юрганлар бошига ажал уруғи ёғилаётир. Зўравонлар жазоланаётир. Ота-боболаримиз жуда топиб айтганлар: «Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан».

Мусибат пайтида Америка Қўшма Штатларига террорчиларни тезроқ йўқ қилиш йўлидаги курашда кўплаб давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам хайрихоҳлик билдираётир. Аммо Ўзбекистонимизнинг мустақил давлатга айланиб, мустақил сиёсат олиб бораётгани Россия матбуотчиларининг ҳасадини келтираётир. Эски дардлари хуруж қилиб қолганга ўхшайди. Улар вазиятдан фойдаланиб Ўзбекистонга бўҳтон отаётир. Турли туҳмат ва бўҳтонлардан иборат ёлғон ахборотларни тарқатаётир. Ўзбекистонликлар оқ билан қорани ажратиб олишга қодир. Тинч кунимизни, мустақил ривожланиб бораётганимизни кўролмаётганлар асл башарасини ўзлари очиб қўйди. Биз ўзбеклар арқонни узун ташлаб қўяверишга одатланганмиз. Вақтнинг ўзи оқни оққа, қорани қорага ажратиб беради. Дунё қалқиб турган шундай бир вазиятда ўзбекистонликлар муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов атрофига яна ҳам жипслашдилар. Биз учун тинчликдан азиз нарса йўқ. Қора ниятли манқуртлар ер билан яксон бўлади, яхшилик ва эзгулик ғалабасига ишонамиз.

**Маҳмуд МЎЙДИНОВ,**
**Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши иккинчи котиби.**

*Ислоҳот сабоқлари*

**САМАРҚАНД ТУМАНИ:**

## ОЛДИНДА ЮРИШ МАСЪУЛИЯТИ

Қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш, хўжалик механизмини такомиллаштириш, моддий манфаатдорликни кучайтириш орқали иқтисодиётни янгича сифат босқичига кўтариш бугуннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг сентябрь ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида бу борада зарур йўл-йўриқлар кўрсатилган эди.

Сессия хулосаларидан келиб чиққан ҳолда бугун қишлоқ ишлаб чиқаришида янгича ўзгариш-интилишлар кўзга ташланмоқдаки буни биргина Самарқанд тумани мисолида яққол кўриш мумкин.

Самарқанд туманида бугун ўзгача сафарбарлик, қайноқ меҳнат шижоати ҳукмрон. Ҳосилдан бўшаган далалар пешма-пеш шудгорланмоқда. Сув йўллари, ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Туман ғаллакорлари 4575 гектар майдонга ғалланинг шароитга мослаштирилган навларини тўлиқ экиб майсаларни бир текис ундириб олишга эришдилар. Мутахассисларнинг фикрича, ғаллачиликда кузги агротехника юмушларининг барвақт, сифатли амалга оширилаётгани келгуси йилда ҳам мўл ҳосилдан далолат бермоқда.

Туман ғаллакорлари, сабзавоткор, боғбонларининг меҳнатлари бу йил баракали бўлди. Салкам 10 минг тонна мева, 15 минг тонна узум, 40 минг тонна сабзавот етиштирилиб тайёрлов идоралари ва қайта ишлаш корхоналари билан тузилган шартнома ортиғи билан уддаланди. Қарийб 9,5 минг тонна ғалла хирмони яратилиб бу борадаги вазифа ҳам кам-кўстсиз бажарилди.

– Қишлоқ хўжалигини юритишда мулкчиликнинг барча турларидан фойдаланилаётгани, мулкдорлар ўртасида ўзаро рақобат кучайтирилгани юксак пировард натижаларни қўлга киритишга имкон бермоқда, – дейди туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Раҳима Ҳакимова. – Ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари гектарлар самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг янги имкониятларини излаб топмоқдалар.

Дарвоқе, туманда ҳар қарич ер ҳисобда бўлгани боис юқори ҳосилдорликка эришиш чоралари кўрилмоқда. Ғаллачиликда 4575 гектар ер 641 та оила пудратчисига тақсимлаб берилган. 2300 гектар токзор ва 1470 гектар сабзавот майдонлари ҳам ширкатчилар қўлида. Пай усулида меҳнат қилиш туфайли дивидентлар миқдор ортиб бораяпти. Туманнинг «Наврўз» ширкат хўжалигида пудратчилар ҳар сўм пайга 6 сўмгача дивидент олишмоқда. Хўжаликда барча турдаги маҳсулот етиштириш режалари уддаланиб рентабеллик 56 фоизни ташкил этди. 24,5 миллион сўм соф фойда пайчиларни рағбатлантириш учун тақсимланди.

Туманнинг яна бир пешқадам жамоаси – «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида сабзавотчилик ва ғаллачиликда интенсив технологиялар қўлланилиб юқори натижаларга эришилмоқда. Бу хўжаликда суғориладиган майдонлардан 2-3 марта ҳосил олинмоқда. Ҳозир миришкорлар кечки сабзавот экинлари ҳосилини йиғиштириб, шаҳар савдо тармоқларига етказмоқдалар. Ғалла экиш сифатли якунланиб боғ ва токзорлардаги мавсумий юмушлар ҳам кўнгилдагидек олиб борилмоқда.

Тадбиркорлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик Самарқанд тумани миришкорларига хос фазилат. Шу боис бу ерда айтилган сўз, берилган ваъдага доимо амал қилинади. Зарур юмушлар фурсат кутиб қолмайди. Деҳқончилик баракаси ошиб хўжаликлар иқтисоди юксалиб бораётганлиги ҳам ана шунда.



**СУРАТЛАРДА: 1. «Наврўз» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Рафиқ Наимов (ўртада) деҳқонлар билан кузги юмушларни сифатли ўтказиш хусусида маслаҳатлашмоқда. 2. «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Неъмат Мажидов ғалла парваришини ташкил этиш бўйича жамоа аъзолари билан фикрлашмоқда.**

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Адолат»нинг ўз мухбири.**

